



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-6>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslovovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	5
2. Aminov Dalerjon Alisher o'g'li O'ZBEKISTONDA HUQUQIY TA'LIM VA AMALIYOT HAMKORLIGINING ZAMONAVIY MODELLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....	34
3. Зулунов Махсудбек Махаммаджонович ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ.....	41
4. Азизов Иқболжон Гулямович ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ.....	50
5. Жураев Анваржон Ильхомжон угли ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МАХАЛЛИ И ЕЁ РОЛЬ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННЫХ ВИДОВ ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....	58
6. Алтиев Раззоқ Саидович ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	67
7. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ТУШУНЧА, ТАСНИФ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	79
8. Ismoilov Shoxabbos G'ayratjon o'g'li JINOYAT KODEKSI UMUMIY VA MAXSUS QISMLARI NORMALARI RAQOBATINING HUQUQIY TAHLILI.....	88
9. Кахаров Фируз Елмуратович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ.....	98
10. Salaev Nodirbek Saparbaevich TRANSFORMATION OF UZBEKISTAN'S PENAL ENFORCEMENT LEGISLATION: A NEW PARADIGM OF HUMANISM, REINTEGRATION AND INNOVATIVE PENITENTIARY POLICY.....	106
11. Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....	115
12. Adilxodjaev Sherzod Shuxratovich KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH SIYOSATINING DOLZARB MASALALARI: KORRUPSIYA TUSHUNCHASI VA ALOMATLARI.....	124



Кахаров Фируз Елмуратович,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ORCID : 0009-0004-0853-6026

E-mail: f48834291@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

For citation: Kakharov Firuz Elmuratovich. ADDITIONAL SYSTEM OF PENALTIES IN CRIMINAL LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: LEGAL DESCRIPTION AND PRACTICAL ANALYSIS. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 6.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21938743>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида назарда тутилган қўшимча жазолар тизими, унинг ҳуқуқий табиати, ўзига хос хусусиятлари ҳамда амалиётда қўлланилиши масалалари таҳлил қилинган. Қўшимча жазоларнинг жазо тизимидаги ўрни, уларнинг асосий жазолардан фарқли жиҳатлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоларининг ҳуқуқий мазмуни ва тайинланиш асослари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд айрим муаммолар аниқланиб, қўшимча жазолар институтини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: қўшимча жазо, жазо тизими, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ҳарбий унвондан маҳрум қилиш, махсус унвондан маҳрум қилиш, жазони индивидуаллаштириш, жиноий жавобгарлик, жиноят қонунчилиги, жазо тайинлаш, ҳуқуқий тартибга солиш.

Кахаров Фируз Елмуратович,

Самостоятельный соискатель правоохранительной Академии

ORCID: 0009-0004-0853-6026

E-mail: f48834291@gmail.com

ДОПОЛНИТЕЛЬНАЯ СИСТЕМА НАКАЗАНИЙ В УГОЛОВНОМ ПРАВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ПРАВОВОЕ ОПИСАНИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ

в данной статье исследуются система дополнительных наказаний, предусмотренных уголовным законодательством Республики Узбекистан, их правовая природа, особенности и практика применения. Анализируется место дополнительных наказаний в системе наказаний, раскрываются их отличительные признаки по сравнению с основными наказаниями. Особое внимание уделено правовому содержанию и основаниям назначения наказаний в виде лишения определённых прав, а также лишения воинского или специального звания. Выявлены

отдельные проблемы национального законодательства и правоприменительной практики, а также предложены направления совершенствования института дополнительных наказаний.

Ключевые слова: дополнительное наказание, система наказаний, лишение определённых прав, лишение воинского звания, лишение специального звания, индивидуализация наказания, уголовная ответственность, уголовное законодательство, назначение наказания, правовое регулирование.

Kakharov Firuz Elmuratovich,

Independent Researcher of Law Enforcement Academy

ORCID: 0009-0004-0853-6026

E-mail: f48834291@gmail.com

ADDITIONAL SYSTEM OF PENALTIES IN CRIMINAL LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: LEGAL DESCRIPTION AND PRACTICAL ANALYSIS

ANNOTATION

This article examines the system of additional punishments established by the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan, their legal nature, distinctive features, and practical application. The study analyzes the place of additional punishments within the system of criminal penalties and highlights their differences from principal punishments. Particular attention is paid to the legal content and grounds for imposing deprivation of specific rights and deprivation of military or special ranks. The article also identifies certain problems in national legislation and law enforcement practice and proposes recommendations aimed at improving the institution of additional punishments.

Keywords: additional punishment, system of punishments, deprivation of specific rights, deprivation of military rank, deprivation of special rank, individualization of punishment, criminal liability, criminal legislation, sentencing, legal regulation.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигида «қўшимча жазолар тизими» тушунчаси мустақил ҳуқуқий категория сифатида назарда тутилмаган. Жиноят кодексининг «Жазо тизими» деб номланган 43-моддасида қонун чиқарувчи жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг барча турларини ягона рўйхат шаклида келтиради. Ушбу рўйхатда асосий ва қўшимча жазолар алоҳида гуруҳларга ажратилмасдан, бир тизим доирасида жойлаштирилган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо тизими одатда енгил жазолардан оғирроқ жазоларгача муайян тартибда жойлаштирилган жазо чоралари мажмуаси сифатида таърифланади. Қисқача айтганда, у қонун билан мустаҳкамланган жазолар рўйхатини англатади. Шу билан бирга, жазо тизими бир қатор муҳим хусусиятларга эга. Биринчидан, жазо турлари муайян мантиқий тартиб асосида жойлаштирилади. Иккинчидан, тизим ўзаро боғлиқ бўлган элементлардан, яъни алоҳида жазо турлари ва уларнинг гуруҳларидан ташкил топади. Учинчидан, мазкур элементлар ўртасида ички тизимли алоқадорлик мавжуд бўлади. Тўртинчидан, жазо тизими нисбатан мустақил ҳуқуқий тузилма ҳисобланса-да, жиноят ҳуқуқининг бошқа институтлари билан ҳам узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Бешинчидан, тизим таркибига янги жазо турини киритиш ёки мавжуд жазони чиқариб ташлаш бутун тизимнинг мазмуни ва тузилишига таъсир кўрсатади. Шу сабабли мазкур масала жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади[1].

Илмий адабиётларда қўшимча жазоларни умумий жазолар рўйхати таркибида акс эттиришга нисбатан турли қарашлар мавжуд. Масалан, В.К. Дуёнов[1] бундай ёндашув жазо тизимининг ички мантиғи ва тизимлилигини заифлаштиришини таъкидлайди. А.Л. Цветинович[3] эса ягона жазо тизими амалда икки нисбатан мустақил кичик тизимдан — асосий жазолар ва қўшимча жазолар тизимидан ташкил топганлигини қайд этади. Унинг фикрича, мазкур кичик тизимлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса-да, ҳар бири муайян мустақилликка эга бўлиб, тизимга хос барча белгиларни ўзида мужассамлаштиради. Шу

нуқтаи назардан муаллиф жазо тизимини икки кичик тизимдан ташкил топган яхлит тузилма сифатида баҳолайди ҳамда қонунчиликда асосий ва қўшимча жазоларнинг алоҳида рўйхатларини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида ҳам қўшимча жазолар асосий жазолар билан биргаликда ягона рўйхат таркибида келтирилган. Шу билан бирга, ҳуқуқий адабиётларда қўшимча жазоларнинг асосий жазога нисбатан енгилроқ бўлиши ва жиноий жавобгарликни амалга оширишда ёрдамчи вазифани бажариши умумэтироф этилган ҳолат сифатида баҳоланади[4]. Асосий ва қўшимча жазоларнинг вазифалари ҳамда ҳуқуқий аҳамияти ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликда уларнинг алоҳида рўйхатларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Ягона жазолар рўйхатининг мавжудлиги қўшимча жазолардан тизимли ва самарали фойдаланиш имкониятларини маълум даражада чеклайди. Масалан, амалдаги қонунчиликда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси жарима ҳамда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларига нисбатан юқорироқ ўринда жойлаштирилган. Бироқ ҳуқуқий табиатига кўра асосий жазо қўшимча жазодан оғирроқ бўлиши лозим. Шу сабабли, агар жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланса, улар билан оғирроқ ҳисобланган қўшимча жазони бир вақтнинг ўзида қўллаш муайян назарий зиддиятларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш механизми бундай жазоларнинг биргаликда тайинланишига тўсқинлик қилмайди. Бу эса жазо тизимининг ички мантиғи ва қўшимча жазоларнинг ҳуқуқий мақоми масалаларини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Илмий адабиётларда[5] қўшимча жазоларнинг айрим турлари мураккаб ҳуқуқий тузилишга эга эканлиги таъкидланади. Уларнинг айримлари ташқи жиҳатдан битта жазо сифатида намоён бўлса-да, мазмунан бир нечта мустақил ҳуқуқий чекловларни қамраб олади. Масалан, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси амалда икки мустақил элементдан ташкил топган бўлиб, улар ҳарбий унвондан маҳрум қилиш ҳамда махсус унвондан маҳрум қилишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, жиноят қонунчилигида амалда иккита эмас, балки учта қўшимча жазо тури назарда тутилганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Жиноят кодексининг 43-моддасида мустаҳкамланган жазолар тизимидан келиб чиқиб, қўшимча жазолар тизими таркибига қуйидаги жазо турларини киритиш мумкин: муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ҳарбий унвондан маҳрум қилиш ва махсус унвондан маҳрум қилиш.

Қўшимча жазолар тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми билан ҳам боғлиқдир. Асосий жазолар, қоида тариқасида, Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари санкцияларида назарда тутилган ҳолдагина тайинланади. Қўшимча жазоларнинг айрим турлари эса санкцияда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай жазолар қаторига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш киради.

Қўшимча жазолар тизимини тавсифлашда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Асосий жазолардан фарқли ўлароқ, қўшимча жазолар бир-бирининг ўрнини босиши ёки ўзаро қўшилиши мумкин эмас. Шу сабабли судлар уларнинг нисбий оғирлик даражасини баҳолашда аниқ мезонларга эмас, балки муайян жиноят учун назарда тутилган санкцияларнинг хусусияти ва мазмунига таяниб иш кўришларига тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўшимча жазолар тизимини ижтимоий эҳтиёжлар таъсирида шаклланган, жиноят қонунида мустаҳкамланган, жазони индивидуаллаштириш талабларига мувофиқ қўлланиладиган, жиноий жавобгарликни амалга оширишда ёрдамчи вазифани бажарувчи, ўзаро боғланган ва муайян тартибда жойлаштирилган жазо турлари мажмуаси сифатида таърифлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин бўлган муҳим жазо турларидан бири муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳисобланади. ЖКнинг 43-моддасига мувофиқ мазкур жазо жазолар тизимида жаримадан

кейинги ўринни эгаллайди ҳамда ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг мазмуни, уни қўллаш асослари ва муддатлари ЖКнинг 45-моддасида белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра, мазкур жазо шахсинг муайян мансабни эгаллашини ёки муайян фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат. Қайси мансаб ёки қайси фаолият тақиқланиши суднинг айблов ҳукмида аниқ кўрсатилади. Мазкур норма таҳлили шуни кўрсатадики, жазо икки хил ҳуқуқий чекловни ўз ичига олади: биринчиси — муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, иккинчиси эса муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини чеклашдир.

Кўпчилик олимлар ушбу ҳолатга қарамай, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни ягона мустақил жазо тури сифатида баҳолайдилар. Бироқ айрим муаллифлар бошқача нуқтаи назарни илгари сурганлар. Хусусан, П.Г. Пономарёв[6] мазкур жазонинг икки кўриниши мавжудлигини қайд этади: давлат хизмати ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида лавозим эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда касбий ёки бошқа фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш. С. Бородин ва С. Полубинская ҳам шу каби ёндашувни қўллаб-қувватлаганлар[7].

Шунга қарамасдан, ЖКнинг 45-моддасида амалда икки алоҳида жазо эмас, балки битта жазо тури назарда тутилган, деган хулоса қилиш учун етарли асослар мавжуд. Чунки мазкур жазони тайинлаш асослари унинг асосий ёки қўшимча жазо сифатида қўлланишига боғлиқ эмас. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдор шахс томонидан унинг мансаби ёки касбий фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этилган тақдирда тайинланади.

Мазкур жазо, одатда, икки ҳолатда қўлланилади: биринчидан, жиноят шахсинг эгаллаб турган мансаби ёки амалга ошираётган фаолияти билан узвий боғлиқ бўлганда; иккинчидан, шахс жиноятни содир этишда ўз хизмат мавқеи ёки касбий имкониятларидан фойдаланган бўлганда.

Қўшимча жазоларни тайинлаш шартлари Жиноят кодексида бир хил тартибда ҳал этилмаган. Масалан, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси Махсус қисм санкцияларида кўрсатилмаган бўлса ҳам, шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган тақдирда суд ҳукми билан тайинланиши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш эса Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда ҳам, назарда тутилмаган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қатор моддаларида асосий жазо сифатида ҳам мустаҳкамланган. Қонун мазмунидан келиб чиқилганда, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланмаган бўлса, суд уни Махсус қисмда назарда тутилган ҳар қандай жазога қўшимча жазо сифатида тайинлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш тартибига аниқлик киритилган. Унда мазкур жазо санкцияда назарда тутилган ҳолларда санкция доирасида, назарда тутилмаган ҳолларда эса ЖКнинг 45-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва бу ҳақда суд ҳукмида тегишли асослантириш келтирилган тақдирда тайинланиши мумкинлиги қайд этилган[8]. Бироқ мазкур қарорда ушбу жазо Махсус қисм санкциясида асосий жазо сифатида назарда тутилган ҳолатларда уни бошқа жазога қўшимча жазо сифатида тайинлаш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи очиқ қолган.

Шахсинг ўз хизмат ваколатлари ёки касбий имкониятларидан фойдаланиб жиноят содир этиши давлат органлари, муассасалар ва ташкилотларнинг нормал фаолиятига жиддий зарар етказди. Бундай қилмишлар иқтисодий фаолият, давлат бошқаруви, мулкий муносабатлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда коррупция билан боғлиқ соҳаларда учраши мумкин. Хусусан, ўзлаштириш, растрата, пора олиш ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш каби жиноятлар шулар жумласидандир. Шу сабабли хизмат ёки касбий ҳуқуқлардан жиноий мақсадларда фойдаланган шахсинг мазкур ҳуқуқларни амалга

оширишда давом этиши давлат ва жамият манфаатларига зид ҳисобланади. Ана шу ҳолат муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини қўллашнинг асосий ҳуқуқий ва ижтимоий заминини ташкил этади.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида транспорт воситаларини бошқариш касбий фаолияти билан шуғулланувчи шахс ўз хизмат ёки касбий вазифаларини бузган ҳолда жиноят содир этса, бундай қилмиш ҳуқуқий оқибатсиз қолмаслиги лозимлиги ҳақидаги ёндашув кенг тарқалган. Шу муносабат билан ҳайдовчилик фаолиятини амалга оширувчи шахсларга нисбатан ҳам педагоглар, тиббиёт ходимлари ва бошқа махсус субъектларга қўлланиладиган тартибда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш зарур деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларида ҳам судларга муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони қўллаш масаласини муҳокама қилиш тавсия этилган. Бунда судлар жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мазкур фаолият маҳкумнинг асосий касби ёки тирикчилик манбаи ҳисобланиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари лозим. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти ёки транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ фаолият шулар жумласидандир.

Бизнинг назаримизда, бундай ҳолатларда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг мазмуни чекланмайди ёки тор маънода талқин қилинмайди[10]. Бунинг бир нечта ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, муайян турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш маҳкумнинг касбий фаолиятини амалга ошириш имкониятига бевосита таъсир кўрсатади. Иккинчидан, ЖКнинг 266-моддасида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш нафақат касбий меҳнат фаолиятига, балки бошқа фаолият турларига нисбатан ҳам қўлланиши мумкинлиги назарда тутилган. Учинчидан, қонун чиқарувчи мазкур нормани шакллантиришда ҳуқуқий анъаналар ҳамда ушбу жазонинг амалий хусусиятларини инобатга олган.

Умуман олганда, ЖКнинг 266-моддасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, ЖК 45-моддаси учинчи қисмида қайси аниқ ҳуқуқ чекланиши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Шу сабабли суд муайян ҳолатдан келиб чиққан ҳолда шахсни ҳам транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ шахсий фаолиятдан, ҳам мазкур фаолият унинг касбий вазифаси билан боғлиқ бўлган ҳолларда касбий фаолиятдан маҳрум қилиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан белгиланган муддат давомида шахснинг муайян мансабни эгаллаши ёки муайян фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Қайси мансаб ёки қайси фаолиятга нисбатан мазкур чеклов қўлланиши суднинг айблов ҳукмида аниқ кўрсатилиши лозим. Шу билан бирга, қонунчиликда давлат хизмати ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги муайян лавозимлар рўйхати аниқ белгилаб қўйилмаган. Натижада судларга муайян даражада кенг ихтиёр берилган бўлиб, бу эса норманинг турлича талқин қилиниши эҳтимолини юзага келтириши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси айбдор шахснинг эгаллаб турган мансаби ёки амалга ошираётган фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятлар учун қўшимча жазо сифатида бир йилдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Мазкур жазонинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, уни ўташдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Шунингдек, ушбу жазо ижро этилмаган тақдирда уни бошқа турдаги жазо билан алмаштириш имконияти ҳам қонунчиликда белгиланмаган.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чикиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг қуйидаги асосий белгилари ажратиш кўрсатилиши мумкин. Биринчидан, мазкур жазо фақат шахснинг эгаллаб турган мансаби ёки амалга ошираётган фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятлар учун тайинланади. Иккинчидан, у асосан махсус субъект ҳисобланган шахсларга нисбатан қўлланади. Учинчидан, мазкур жазонинг моддий мазмуни маҳкумнинг айрим субъектив ҳуқуқларини чеклаш ва унинг ҳуқуқий лаёқатини суд белгиланган муддатга қисман чеклаш орқали намоён бўлади.

Шу асосда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни шахс томонидан ўз мансаби, меҳнат вазифаси ёки бошқа фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб жиноят содир этилган тақдирда қўлланиладиган жиноий жазо сифатида таърифлаш мумкин. Мазкур жазо айбдорни муайян субъектив ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва унинг ҳуқуқий лаёқатини белгиланган муддат давомида чеклаш орқали амалга оширилади.

Амалиётда мазкур жазонинг тайинланиши кўп ҳолларда маҳкумдан янги касб ёки мутахассисликни ўзлаштиришни талаб қилади. Бу эса муайян моддий харажатлар, қўшимча меҳнат сарфи ҳамда руҳий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айниқса, узоқ йиллар давомида бир соҳада фаолият юритган ва муайян касбий кўникмаларга эга бўлган шахслар учун бундай ўзгаришлар янада сезиларли таъсир кўрсатади. Янги касбни ўзлаштириш жараёнида маълум муддат давомида ўқувчи ёки тайёргарлик босқичида бўлиш зарурати маҳкумда келажакка нисбатан ишончсизлик ҳиссини ҳам юзага келтириши мумкин.

Муайян мансабни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи, табиий равишда, тегишли даромад манбаи билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу сабабли мазкур ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўп ҳолларда маҳкумнинг меҳнат даромадига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, мансабдор шахслар юқори маошли лавозимдан четлаштирилиб, камроқ ҳақ тўланадиган вазифаларни бажаришга мажбур бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бошқа ишга ўтиш ҳолатлари одатда юқори малака талаб этмайдиган ва нисбатан кам ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Натижада муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва ижтимоий таъсирга ҳам эга бўлган жазо чораси сифатида намоён бўлади.

Юқорида айтилганлар судлар томонидан мазкур жазони қўлламасликка ёки уни муддатлари камайтиришга чақириқ сифатида қаралмаслик керак. Мансабдорлик жиноятлари ёки бирор фаолият билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар жазосиз қолмаслиги керак ва раҳм-шавқат оқибатида бу жазонинг минимал муддатларини қўллашга йўл қўймаслик керак. Бу, айниқса, юқори лавозимдаги мансабларни эгаллаганлар ёки шахснинг ҳаёти ёки соғлигини хавфсизлигини таъминлайдиган фаолият билан шуғулланувчи шахсларга тегишли. Коррупция, порахўрлик, суиистеъмоллик каби иллатларнинг тарқалганлиги, хизматчилар томонидан ноқонуний равишда ҳақ беришни талаб қилиш ҳоллари аксинча, кўриб чиқиладиган жазо турини уларга нисбатан кўпроқ муддатга тайинланишини тақазо этади. Айрим адабиётларда мазкур жазо муддатининг юқори чегарасини ўн йилгача муддатга кўпайтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлар ҳам билдирилган[9].

Айрим олимлар қасддан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида қўшимча ҳуқуқий чекловларни жорий этиш зарурлигини таъкидлайдилар. Хусусан, Н.В. Щедриннинг фикрича[2], бундай шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда хавфсизлик чораси сифатида давлат бошқарувидаги масъул лавозимларни эгаллашни тақиқлаш мумкин. Муаллиф ушбу чеклов муддатини шахснинг эгаллаб турган мансаби ва содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда дифференциация қилишни таклиф этади. Унинг қарашича, бундай тақиқ муддати айрим ҳолларда жазо муддати ва судланганлик давридан ҳам узоқроқ бўлиши мумкин. Шунингдек, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларни пассив сайлов ҳуқуқидан умрбод маҳрум қилиш ҳамда давлат хизматининг айрим юқори тоифадаги лавозимларини эгаллаш ҳуқуқини чеклаш ҳақида ҳам таклифлар билдирилган.

Мазкур таклифларнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида баҳс юритмасдан, юқори лавозимли мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаш мумкин. Чунки бундай шахслар томонидан амалга оширилган ҳуқуқбузарликлар давлат бошқаруви самарадорлигига, жамиятнинг давлат институтларига бўлган ишончига ҳамда ҳуқуқий тартиботга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг асосий жазолов хусусияти маҳкумнинг ҳуқуқий мақоми, ижтимоий мавқеи ва моддий аҳволига таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Мазкур жазо нафақат муайян ҳуқуқларни чеклайди, балки

шахснинг келгусида муайян соҳада фаолият юритиш имкониятларини ҳам маълум даражада қисқартиради.

Қўшимча жазолар тизимида муҳим ўрин эгаллайдиган жазо турларидан бири ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳисобланади. Бу жазо фақат қўшимча жазо сифатида тайинланади ва ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Суд содир этилган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда айбдор шахснинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур жазони тайинлаш масаласини ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 52-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган ва оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинган шахс суд ҳукми билан ушбу унвондан маҳрум қилиниши мумкин. Бундай қарор қабул қилишда суд шахснинг ўз ҳаракатлари билан мазкур унвонга муносиб эмаслигини намоён этганлигини баҳолайди. Суд ҳукмида маҳкумнинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этиш орқали ўз обрўсини йўқотганлиги ва шу сабабли унвондан маҳрум қилиниши лозимлиги асослантириб кўрсатилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий оқибатларидан бири шуки, шахс ушбу унвон билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан ҳам маҳрум бўлади. Қонунчиликда олий ҳарбий ёки махсус унвонлар ҳамда давлат мукофотларига нисбатан алоҳида тартиб белгиланган. ЖК 52-моддасининг иккинчи қисмига кўра, оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинган шахсни олий ҳарбий ёки махсус унвондан, шунингдек давлат мукофотидан маҳрум қилиш суднинг тегишли тақдимномаси асосида амалга оширилади.

Шундан келиб чиқиб, оддий ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш бевосита суд ҳукми билан амалга оширилса, олий ҳарбий ёки махсус унвонлар ҳамда давлат мукофотларидан маҳрум қилиш масаласи мазкур унвон ёки мукофотни берган ваколатли давлат органи томонидан ҳал этилади. Суд бу ҳолда тегишли тақдимнома киритиш билан чекланади.

Ҳарбий унвонлар деганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида белгиланган унвонлар тушунилади. Одатда мазкур жазо офицерлик таркибига мансуб шахсларга нисбатан қўлланади. Олий ҳарбий унвонлар эса давлат томонидан бериладиган алоҳида мақомга эга бўлиб, улардан маҳрум қилиш махсус тартибда амалга оширилади.

Махсус унвонлар қаторига прокуратура, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига бериладиган махсус даражалар киради. Шунингдек, қонунчиликда давлат томонидан бериладиган фахрий унвонлар ҳам назарда тутилган. Масалан, «Ўзбекистон халқ артисти», «Хизмат кўрсатган юрист», «Хизмат кўрсатган курувчи» каби унвонлар шулар жумласидандир. Бундай унвонлардан маҳрум қилиш масаласи уларни тақдим этган ваколатли давлат органи томонидан ҳал қилинади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш учун қонунчиликда муайян асослар мавжуд. Биринчидан, шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган бўлиши лозим. Иккинчидан, айбдорнинг шахси ва унинг ҳуқ-атвори мазкур жазони тайинлаш заруратини асослаб бериши керак. Масалан, шахснинг илгари салбий турмуш тарзига эга бўлганлиги, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд воситаларга ружу қўйганлиги, жиноятни алоҳида шафқатсизлик билан содир этганлиги ёки унвон ва хизмат мавқеидан жинойий мақсадларда фойдаланганлиги бундай қарор қабул қилишда аҳамият касб этиши мумкин.

Суд маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарганидан сўнг, ҳукм нусхаси тегишли унвонни берган органга юборилади. Агар бундай жазо захирадаги ҳарбий хизматчига нисбатан тайинланган бўлса, ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги мудрофаа ишлари бўлимига ҳам юборилади. Бу эса қабул қилинган қарорнинг амалда ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида қўшимча жазолар институти жазони индивидуаллаштириш, жиноят содир этилишига имкон берган ҳуқуқ ва ваколатларни чеклаш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш вазифаларини бажарувчи муҳим жиноят-ҳуқуқий восита ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда қўшимча жазолар

мустақил тизим сифатида ажратилмаган бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий табиати, мақсади ва қўллаш механизми асосий жазолардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазолари айбдор шахснинг ҳуқуқий мақоми, ижтимоий мавқеи ва келгусидаги фаолиятига таъсир кўрсатиш орқали жазонинг махсус профилактик аҳамиятини кучайтиради. Шу билан бирга, қўшимча жазоларни тайинлаш ва ижро этиш билан боғлиқ айрим ҳуқуқий ноаниқликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Шу муносабат билан жазо тизимида асосий ва қўшимча жазоларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг мазмуни ва қўллаш доирасини аниқлаштириш, шунингдек, қўшимча жазоларни тайинлашнинг ягона мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур чоралар қўшимча жазолар институтининг самарадорлигини оширишга, жазонинг адолатлилиги ва профилактик таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Уголовное право России. Общая часть. Под ред. Ф.Р. Сундурова. – Казань: Издательство Казанского университета, 2002. – С. 126.
2. Щедрин Н.В. Меры безопасности как средство предупреждения преступности: дисс. на соис. уч. степ. д.ю.н. – Красноярск, 2001. – С. 325.
3. Цветинович А.Л. Дополнительные наказания. – Куйбышев, 2009. – С. 52-53.
4. Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – М.: БЕК, 1996. – С. 374.; Становский Н.М. Назначение наказания. – СПб, 1999. – С. 29.; Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. Под ред. А.И. Рарога. – М., 2001. – С. 348.
5. Курс уголовного права. Т.2 Общая часть. Учение о наказании. Под ред. Н.Ф. Кузнецовой и И.М. Тяжковой. – М.: Зерцало, 2002. – С. 29.
6. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. / Под ред. проф. А.И. Рарога. – М: Юристь, 2001. – С. 351.
7. Курс российского уголовного права. Общая часть. / Под ред. В Н. Кудрявцева, А.В. Наумова. – М.: Спарк, 2001. – С. 532; Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под ред. Б.В. Здравомыслова. Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999. – С. 339-340.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. // www.lex.uz
9. Миллюков С.Ф. Российская система наказаний. – СПб., 1998. – С. 34.
10. Saparovna N. S. et al. Criminal Law Description of Domestic Violence //Journal Of Ecohumanism. Учредители: Transnational Press London. – 2025. – Т. 4. – №. 2.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.